## Иззат СУЛТОН — 80 ёшда



Қадрли Иззат Отахонович!

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси бошқаруви сизни — таниқли адабиётшунос олим ва драматургни — қутлуғ 80 ёшингиз билан самимий қутлайди.

Мана, ярим асрдан кўпроқ вақтдан буён сиз адабиётимиз ва адабиётшунослик илмимиз равнақи йўлида ҳормай-толмай меҳнат қилиб келмоқдасиз. Сиз улкан ҳаёт ва ижод мактабидан ўтдингиз. Болалар уйида тарбияландингиз. Тошкент маърифат билим юртида ва Низомий номидаги Тошкент маърифат олий ўқув юртида, кейинчалик эса, Ўзбекистон Фанлар Қўмитасининг аспирантурасида таҳсил кўрдингиз. «Батрак» жумҳурият рўзномасида масъул котиб (1931—1934), «Камбағал деҳқон» рўзномасида бўлим мудири (1934 — 1937), Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институтининг директор ўринбосари (1937 — 1942), жумҳурият радиоэшиттиришлар Давлат Қўмитасининг раис ўринбосари (1942 — 1943), Тошкент бадиий фильмлар студиясининг директори (1943 — 1945), Ўзбекистон Вазирлар Кенгаши раисининг маданият масалалари бўйича ўринбосари (1945 — 1948), Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институтининг директори (1948 — 1950), Ломоносов номидаги МДД СССР Халқлари адабиёти кафедрасида ўқитувчи (1950 — 1953), Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси бошқарувининг котиби (1956—1963) бўлиб ишладингиз.

Сизнинг илк адабий-танқидий мақолангиз 1932 йилда «Қизил Ўзбекистон» рўзномасида босилиб чиққан эди. Ўшандан буён ўтган қарийб олтмиш йиллик вақт мобайнида сиз яратган юздан ортиқ адабий-танқидий мақолалар, «Адабиёт назарияси» дарслигингиз, «Навоийнинг қалб дафтари» ва бошқа қатор рисолаларингиз, фан номзоди ва фан доктори илмий даражалари ҳимоясидаги тадқиқотларингиз адабиётшунослик илмимизнинг равнақига йирик улуш бўлиб қўшилди.

Сизнинг драматург сифатидаги ижодий фаолиятингиз алоҳида таҳсинга сазовордир. «Имон», «Бургутнинг парвози», «Даҳонинг ёшлиги» каби қатор пьесаларингиз, айниқса, Уйғун билан ҳамкорликда яратилган «Алишер Навоий» драмангиз томошабинларимизга яхши таниш.

Сизнинг адабиётимиз ва умуман, маданиятимиз олдидаги хизматларингиз муносиб тақдирланган. Сиз «Ҳурмат белгиси» ва «Халқлар дўстлиги» орденлари, «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби» фахрий унвонига сазовор бўлгансиз, ЎзФА мухбир аъзоси бўлиб сайлангансиз.

Ҳурматли Иззат Отахонович! 80 ёшлик тўйингиз билан яна бир карра қутларканмиз, сизга мустаҳкам соғлик, янги илмий-ижодий ютуқлар тилаймиз.

**ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ БОШҚАРУВИ**

*Кутлаймиз!*

*

**Жаҳон чеҳра —**
**рангу рўйин**
**ўзингсан,**
**Ақл дарё — унинг суйи**
**ўзингсан.**
**Гул баргида шабнамдайин**
**тоза бўл,**
**Бу боқчанинг рангу бўйи**
**ўзингсан.**

**Паҳлавон МАҲМУД**

*



С. МАҲКАМОВ суратга олган

Иззат СУЛТОН

# АЗИЗ ОСТОНАДА СЎЗ

I.

БИР ОСТОНА борки, у ҳар бир маданиятли киши учун азиз. Бу — театр остонаси. Маълумки, театр дунёнинг кўпгина халқлари тилида «санъат ибодатхонаси» деб аталади. Буюк Ҳамза «Театр — катталар мактаби» таърифи билан ўша остонанинг қанчалик азиз эканини яна бир карра уқтирган эди.

Драматург учун бу остона икки қатла азиз. Драматург бу мактабда оддий томошабин олмаган сабоқни олади — театрга яроқли бадиий адабиётни яратиш сирларини ўрганади ва шу жуда мураккаб фандан имтиҳон беради.

Театрнинг муносабати ҳам ўзининг икки тоифа мухлисига — томошабинга ва драматургга — икки хил. Томошабиндан театр фаҳм, дид, ҳукм ва миннатдорлик кутади (агар театр миннатдорликка арзирлик иш қилиб қўйган бўлса). Драматургдан эса... драматург остонада пайдо бўлиши билан театр унинг «қўлига қарайди» — ундан асар кутади.

Бу азиз остонадан ўтиш учун томошабинда театрга ихлос бўлса бас. Қўлтиғида тайёр асари бўлмаган драматург эса бу остона олдида тўхташга ва ўзининг театрда камнамолиги сабаблари ҳақида ўйлашга мажбур. Шу кунларда мен ўзимни (бир ўзимнигина эмас, кўпгина ҳамкасбларимни ҳам) шу остона олдида, ундан «қуруқ қўл билан» ўтишга журъат этолмай ўйга толиб турган ҳолда тез-тез тасаввур этадиган бўлиб қолдим.

...Қайта қуришнинг бешинчи йили ўтиб бораётган бўлса ҳам, адабиётимиз ва қисман драматургия ва театримиз соҳасида ўқувчининг ёки томошабиннинг диққатини ўзига тортган, уни қойил қолдирган, унинг қалбида миннатдорлик ҳиссини уйғотган асарларнинг пайдо бўлмагани ҳаммамизни ҳам ўйлантираётган, ташвишга солаётган бўлса ажаб эмас. Бу гапни айтганда мен адабиётимизда ва саҳнамизда шахсга сиғинишнинг фожиали оқибатлари ҳақида, турғунлик даврининг иллатларини фош этаётган бир қанча асарлар пайдо бўлганини ҳисобдан соқит қилаётганим йўқ. Улар оз бўлса ҳам, мавжуд. Аммо ҳаётимизнинг янги ҳодисалари ҳақида шу беш йил ичида бизнинг, айниқса, дунёқарашимизда, ўтмишга баҳо беришда онгимизда юз берган муҳим ўзгаришларни акс эттирган асрларнинг йўқлиги мени ташвишга солади ва бунинг сабаблари ҳақида ўйлашга мажбур этади.

Адабиёт ва театрда, демакки — театрда қўйилишга мўлжалланган — адабиётнинг, яъни драматургиянинг ривожи учун доимо, бошқа омиллар билан бир қаторда ғоят муҳим бўлган ҳаётнинг ўзида ҳам байроқ бўладиган илғор ғояларнинг пайдо бўлиши жуда муҳимдир. Қайта қуриш бошлангач ҳаётимизга, айниқса, ўтмишимизга берган баҳомиз тамоман ўзгарди, биз фожиали хатоларимизни англадик. Харобалар ўрнида янги бино қуриш учун майдонни тозалашгина эмас, балки бу майдонга қуриладиган янги бино ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлиш зарурлигини ҳам англадик. Лекин афсуски, ўтмишимизни тўғри англаш юзасидан қилинган катта ва фойдали ишлардан сўнг, бизга ҳозир мана шу зарур ҳолат — янги даврдаги янги вазифалар ҳақидаги аниқ тасаввур етишмай турибди. Адабиётимизда ва театримизда янги, йирик асарларнинг пайдо бўлмаганита ҳам, менингча, сабаб шу.

Шу шароитда эски хатоларни такрор этиш хавфи туғилмоқда. Ўтмишимизнинг фожиали хатоларидан бири шуки, биз социализмни авваллан кимдир томонидан аниқ чизиб қўйилган режа бўйича, шу режага қатъий амал қилиб яратишга тиришдик. Биз социализм қуришни авваллан, қандайдир доҳий томонидан чизиб берилган лойиҳанинг омма томонидан ғайрат билан амалга оширилишидангина иборат деб тушундик. Ваҳоланки, социализм омманинг ўзининг фаол ва онгли иштирокида, оммавий равишда, узоқ муддатли изланишлари натижасида майдонга келиши керак эди: марксизм-ленинизм бизга шундай таълимот берган эди. Бизда эса юқоридан берилган кўрсатмалар асосида, маъмуриятчилик йўли билан майдонга келган социализмнинг халқ манфаатларидан узоқ, ҳатто халққа ёт бир ҳодиса экани энди ҳаммага аён бўлди.

Аммо эски одатимизга кўра, энди нима қилишимиз керак, деган саволга биз ҳамон баланддан кўрсатмалар кутиш билан яшамоқдамиз. Адабиётимиз ва театримиз соҳасида ҳам ана шу руҳий ҳолат ҳукмрон бўлгани учун, менингча, худди шунинг учун ёзувчиларда дадиллик етишмаётибди ҳамда улар янгича ишлашга одатланиша олмаётибди. Катта ютуқларнинг қўлга киритилмаётганининг асосий сабабларидан бири ҳам ана шундадир.

Бу ҳолатни бузиш керак. Аммо уни қандай бузиш борасида яна «юқоридан кўрсатмалар» кутиш керак эмас. Коллектив бўлиб, ҳар бир шахснинг ғайратига ва изланишларига кенг йўл бериш билангина узоққа чўзилган бу хавфли сукут вазиятидан чиқиш мумкин.

II.

АДАБИЁТИМИЗ ва санъатимизнинг бугун катта ютуқларга эриша олмаётганлигига бош сабаб — менингча, ғоявий саргардонлик ёки карахтлик деб аталиши мумкин бўлган бир ҳодисанинг мавжудлигидир. Такрор бўлса ҳам айтай: биз кўп йиллар мобайнида социализм қураётирмиз, деган хаёл билан яшадик, энди маълум бўлдики, биз қурган жамият аслини олганда социализм эмас, балки социализмга ҳеч қандай алоқаси йўқ бир тузум экан. Хаёлимизнинг пучга чиқиши бизни ҳозир гангитиб қўйган. Биз гўё идеалларимизни йўқотиб қўйдик. Нима учун, қандай ғоя ва қандай орзу, идеал учун курашишимиз лозим эканини билмай қолдик.

Биз қурдик деб ҳисоблаган социализмнинг аслида социализм эмаслиги, менингча, умуман социалистик ғоянинг пучлигини кўрсатмайди. Социализм адолат учун, инсоний ҳаёт билан яшамоқ учун кураш демакдир. Шундай экан, адолат учун кураш абадийдир. Биз идеалларимиздан ажраганимиз йўқ, балки унга эришишнинг нотўғри йўлларидан борганимизни тушундик.

Социалистик идеал, менингча, ҳамон адабиётимизнинг машъали бўлиб қолажак. Бундай дейишга кўп сабаблар бор. Бу сабаблардан бири шуки, бугун социализм деб тушунган жамиятга жуда ҳам яқин бир жамият яратиш орзуси — ўзбек халқининг ҳам азалий орзусидир. Эсингизга солиб ўтай: X асрда яшаган буюк алломамиз Беруний ёзган асарларида айтилишича, ўз меҳнати билан яшаш ва ўз эҳтиёжларини энг зарур нарсалар билан чегаралаш келажакдаги инсонларнинг ҳаётий қоидаси бўлиши керак эди. Бу — бугунги кунда социализм деб аталаётган орзунинг асосий хусусияти, холос. Анча кейин Европада хаёл қилинган «утопик социализм» деб аталмиш социал орзу, шундай қилиб бизда бир неча аср аввал майдонга келганди. Яна бир тарихий ҳодисани эсга олайлик. Ўрта Осиёда даҳшатли мўғуллар зулми бир ярим асрча давом этгандан сўнг, «сарбадорлар ҳаракати» деб аталмиш халқ ҳаракати юзага келди. Ўрта Осиёни мўғуллар зулмидан халос этган бу ҳаракат бизда адолатнинг тантанасига мўлжалланган бир давлатнинг — «сарбадорлар давлати»нинг майдонга келишига сабаб бўлди. Маркази Сабзавор шаҳри бўлган бу давлат 35 йилдан ортиқ яшади. Унда ҳамма тенг ҳуқуқли деб эълон этилган, ҳар бир инсоннинг ўз меҳнати билан яшамоғи қоида қилиб қўйилган, ҳатто ҳамма бир хил кийинар эди. Бу ажойиб демократик давлат Амир Темур томонидан 1383 йилда тор-мор этилди. Аммо адолатнинг тантанаси ҳақидаги орзу халқимиз қалбида абадий қолди.

Шундай қилиб, социалистик идеал бизнинг халқимизга ёт эмас.

Бу гапларни айтишимдан мақсадим шуки, адабиётимиз ва санъатимиз бугун ҳам халқларга тенг ҳуқуқ ва фаровонлик ато қиладиган социалистик идеални ўзига мезон ва орзу қилиб олса, у менингча, тўғри йўлга қайтган бўлади. («Қайтган» деган сўзни атайин ишлатдим, чунки социалистик қурилиш бизнинг юртимизда муваффақиятсизликка юз тутгани муносабати билан умуман социалистик идеалдан воз кечиш тамойили ҳаётимизда ва адабиётимизда мавжуд. Бундан кўз юмиш — ҳамоқат бўлар эди).

Биз фикрлар хилма-хиллиги даврида яшамоқдамиз. Борди-ю социалистик идеалга қайтиш тўғрисидаги менинг бу фикрим баъзи ёзувчи ва санъаткорларга маъқул тушмаса, уларнинг ўз хоҳишлари. Аммо яна бир нуқтага касбдошларимнинг диққатини жалб этишни лозим топаман.

Жамият ҳаётида етакчи роль ўйнайдиган санъат ва адабиёт умуман идеалсиз яшаши мумкинми? Йўқ. Санъат ва адабиётнинг азалий табиати шундайки, улар социал ва эстетик орзусиз яшай олмайдилар. У ҳолда, социалистик идеални тан олмайдиган санъат ва адабиёт учун тараққиёт йўли нимадан иборат бўлиши мумкин?

Халқ ҳаётида азалий ва абадий бир омил бор. Бу — халқ ахлоқи, яъни одил ва пок ҳаёт ҳақида халқ тасаввури. Бу тасаввурга ҳалол меҳнат, маърифатга интилиш, инсонни ҳурмат қилиш ва эъзозлаш, ҳамма инсонлар ва халқларни тенг кўриш каби жуда ҳам азиз принциплар киради. Адабиёт ва санъат ана шу халқ ахлоқини ўзига мезон ва орзу, идеал қилиб олса, қаҳрамонларининг руҳига, атворига ва ишларига баҳо берганда, ана шу ахлоқни ўлчов қилиб олса, ўзи яратган ёрқин образлар билан ёш авлодни ана шу аҳлоқ руҳида тарбия топтирса — санъаткорларимиз ўзлари ҳам тўғри йўлни топиб олган ва халқимизни тўғри йўлга бошлаган бўлар эдилар.

Менингча, санъат ва адабиёт учун энг даҳшатли бало — ғоясизлик, орзусизлик, идеалсизликдир. Мен бу балонинг касофатидан қутулишнинг икки йўлинигина тилга олдим. Изланишларимиз давом этса, ғоясизликдан қочишга астойдил бел боғласак, бошқа йўллар ҳам топилиши осонлашади.

III.

ЭНДИ ҲАММАГА аёнки, адабиётимизда ҳам қайта қуриш керак. Маълумки, адабиётдаги янгилик ҳаётдаги янгиликни пайқаб олишдан бошланади.

Ҳаётнинг адабиёт тақдирига таъсир йўллари кўп. Масалан, адабиёт боши берк кўчага кириб қолганида ҳаёт ўзи уни қтуқаради: ҳаёт ўзи унга янги қаҳрамонни ҳадя этади. Ёзувчининг, адабиётнинг вазифаси шу янги қаҳрамонни вақтида кўра билиш ва кўрсата билишдан иборат.

Хўш, ҳаётимизнинг ўзида янги қаҳрамон пайдо бўлдими? Менингча, бу саволга қатъий равишда ижобий жавоб беришга ҳамма асослар бор.

Янги қаҳрамоннинг хусусиятлари даставвал унинг бугунги кунда ҳақиқий озодликка эришишга интилишида кўринмоқда. Бу интилиш ўзбек халқи фарзандларининг ҳам асосий мақсади бўлиб қолди.

Бундан етмиш йилча аввал В. И. Ленин Туркистон халқларининг янги ҳаёт қуришга актив қўшилганини қувонч билан қайд этиб ёзган эди: «Қилаётган ишимиз бизга бу мамлакатларда жуда катта қийинчиликларни енгишга тўғри келишини кўрсатди, аммо ишимизнинг амалий натижалари, шу қийинчиликларга қарамай, пролетариат йўқ ҳисобида бўлган жойларда ҳам оммани мустақил фикр қилишга ва мустақил сиёсий фаолият кўрсатиш учун интилишга қўзғатиш мумкин эканлигини ҳам кўрсатди».

Кўп ўтмай Сталин истибдоди билан бўғиб қўйилган бу қўзғалиш бизнинг кунларимизда янгидан рўёбга чиқаётгани энди ҳаммага аён бўлса керак. Мустақил фикрлашга ва мустақил сиёсий фаолиятга интилиш энди бизнинг маҳаллаларимиздан тортиб Олий Кенгашимизгача — ҳаётимизнинг ҳамма босқичлари учун асосий мақсад бўлиб қолди. Адабиётимизнинг янги қаҳрамони, менингча халқимизнинг ана шу янги жасоратини инъикос эттириши керак.

Йигирманчи йилларнинг охирида бизнинг авлодимизга таълим берган илғор зиёлилардан кўп мартаба эшитганим сўзлар менинг қулоғимда шу кунларда баралла жаранглайди:

— Биз ҳали озод эмасмиз. Фақат саводли, маърифатли халқгина озодликнинг қадрига етади, уни ҳимоя этишга қодир бўлади. Ўқинглар! Маърифатли бўлинглар! Халқимиз учун ҳақиқий озодлик кунлари келади!

Бугун Октябрь инқилобининг бизга берган ва эҳтимолки, энг муҳим ҳадяларидан бири — маърифат бўлди. Биз энди маърифатли халқмиз. Маърифатнинг кучи энди халқимизнинг, айниқса, унинг ёш зиёлиларининг озодлик учун фидойилик билан курашга тайёрлигида ҳам намоён бўлмоқда.

Мана шу фидойиларнинг адабиётимиз саҳифаларида ва саҳнамизда пайдо бўлишини кутишга ҳамма асосларимиз бор.

Шундай қилиб, мустақил фикрлаш, мустақил сиёсий фаолият ва социал идеални кундалик катта ва «майда» ишларда мужассамлантира билиш — бугунги қаҳрамонимизнинг қимматли хусусиятларидир. Бу фазилатларнинг ўзбек халқи қиёфасида, унинг катта ва кичик вакиллари, сиймоси ҳамда фаолиятида мустаҳкам ўрин ола бошлагани адабиётимизнинг бундан кейинги улкан ютуқлари учун замин бўлиб қолади.

Бу заминда ижодкорлик қуввати ўзининг бутун салобати билан рўёбга чиқади: адабиёт ҳаётни фақат бадиий образлар орқали акс эттирадигина эмас, ундаги бунёдкор кучларнинг шаклланишини ва ривожини тезлаштиради ҳам.

●

АЗИЗ ОСТОНА! Бу паришон, узуқ-юлуқ мулоҳазаларимдан ҳам фаҳмлаган бўлсанг кераккки, мен қўлтиғимда янги асар билан, сендан яна бир бор, аниқроғи, саккизинчи марта ўтмоқ умидидаман.

— Саксон ёшда-я?

— «Умидсиз шайтон». Яна: «Орзуга айб йўқ», дейишади. Бу ҳикматли сўзларни илк мартаба ишлатган зотнинг неча ёшда бўлганини энди ҳеч ким айтиб беролмайди. Қолаверса, улуғ Саъдий ҳам адиб бўламан деган кишига ижодни олтмиш ёшда бошлаб (унгача ўсиб, ўқиб, саёҳат қилиб, яъни ҳаётий тажриба ва ақл йиғиб) тўқсон ёшда тамомлашни тавсия этган.

Эмин УСМОН

# ҚОН ҚУСГАН ДУНЁ

**ЁҚУББЕК ЯКВАЛХУЖАНИНГ «ҚАЙТАР ДУНЁ» РОМАНИНИ ЎҚИБ...**

БИЗ БИЛГАН қисман гувоҳ бўлган тарихга назар ташласак, ўзбекнинг рўшнолик кўрганини, ўз кўланкасини ҳадиксирамай босганини эслолмаймиз; муттасил таҳлика, муттасил қирғин-барот, гоҳ унинг тарихи кимларнингдир ғашини келтиради, гоҳ эгаллаб турган замини кимларнингдир ҳали инсоният яралмасидан аввал яшаган бобокалонларининг ватани бўлиб чиқади, гоҳ қайсидир асрнинг чанг босган жанггоҳларида енгилиб, шармандаларча қочгани, товон тўлагани учун энди орани очди қилиб қўйгиси келади, хуллас, қон тўкишга, одамлар бир-бири билан ёвлашишига, зўравонликка, ҳар хил қизил, сариқ измларни миямизга зўрлаб тиқиштиришга баҳона кўп. Ўзбек қаламкашларининг бутун бир авлоди «бахтлар водийсини» куйлаб ўтди, бироқ ҳанузгача тарихга холис назар ташланмади. Бугунги авлод ўтмишини тузукроқ билмай туриб, кўкракка муштлаш, ўзлигини мадҳ этиш билан овора. Ваҳоланки, тарихимиз кемтик, унинг ёруғликка интилган, ҳурриятга тўла саҳифалари эса йиртилган, куйдирилган. Уни синчиклаб ўқиб ўрганадиган, ўзлигимизни танийдиган, Туркистон деб аталувчи катта бир юртдаги туркийлар, деб аталадиган халқнинг уруғ-аймоқлари эканлигимизни англаб етадиган пайт келди.

Ёқуббек Явкалхўжа ўз асарида қаламга олган давр энг чигал, энг фожий воқеалар силсиласига бой даврдир.

Шўроларнинг қамоғида ётиб чиқан Яъқубали ҳожи янги ҳукумат унга мурувват кўрсатмаслигини, эртага Миркомилбойга ўхшаб отилиб кетишини била туриб жон сақлаш қасдида «бу дунёнинг боғи эрамига» ҳам бормасликни кўнглига тугади, алғов-далғов бўлиб кетган дунёнинг ишларига ақли етмай гарангсиб юрган, отасини қамоқдан олиб чиққунча не-не остоналарга бош уриб, ўзини хоки туроб қилган Жайнак Мирзони ҳам тарки ватан қилмасликка ундайди: «...Алғов-далғов деганинг рост, лекин нима бўлсаям бу ўзимизнинг юрт, унга қўл кўтармасанг, бировр сенга тегмайди, ўғлим».

Жайнак Мирзо отасининг васиятига амал қилмади — тарки ватан этди. Тўғрироғи уни ўз юртидан бош олиб кетишга мажбур қилишди, чарм куртка кийиб, тўппонча таққан ҳайдарлар ҳолижонига қўйишмади. Ҳайдар каби янги жамиятга сидқидилдан хизмат қилганлар аслида ўзлари алданганликларини, улар эътиқод боғлаган йўл кўпларнинг ёстиғини қуритиб, поёнсиз оламнинг сон-саноқсиз кўчаларидан тентиратиб қўяжагини ва охир-оқибат ўзларининг ҳам бошини еяжагини билмасдилар. Жайнак Мирзо қизилларнинг зулмидан қочиб рўшнолик кўрмади — хитой мустабидларининг ифлос оёқлари остида топталиб ётган уйғурлар диёрида бошига кўп савдолар тушди. Мусофир итнинг думи қисиқ бўлади, деган ақидага амал қилиб, елкасини қисиб яшамагани учун Самадбой уни қаматади. Аслида Самадбой эмас, бу бир-биридан унчалик фарқ қилмайдиган тузумнинг, мустабидлар хоҳиш-иродасининг ҳукми эди. Ҳукмдорларнинг мақсади ўзбек Жайнак Мирзоларни, уйғур Ҳайдару Насрулло Толибларни муттасил таҳликада тутиш, агар ўзларининг инсоний ҳақ-ҳуқуқларини талаб қилиб бош кўтарсалар, қамоққа тиқиш, дорга осиш, турли хил ҳийлаю макр билан софдил одамларни бирбирларига қайраш, шу йўл билан уларнинг дилидаги ҳуррият яловини ўчириш, халқнинг эртанги кунига бўлган ишончини сўндиришдан иборат эди. Жайнак Мирзою Насрулло Толиблар қай заминда яшашидан, миллатидан қатъи назар зулмга, зўравонликка қарши бирлашиб, хор-зорлик билан келишиб, тақдирга тан бермасликларини билдириб қўйиш учун бош кўтаравердилар. Бироқ бу курашнинг охири вой, ўз эрки учун курашганларни уйғурлар тупроғида хитой босқинчиларининг зиндони, ўзбеклар заминида қизилларнинг қамоғи кутади, бу кураш олдиндан ҳалокатга маҳкум, сабаби уни ҳокими мутлоқ қўғирчоқбоз Иосиф Сталин бошқаради. Унинг хоҳиши билан минглаб ўзбек, қозоқ, қирғиз, туркман, тожик, уйғурлар диёрига юборилиб, хитой мустабидларининг ўқига тутилади, минглаб уйғур чегаранинг бу томонига ҳайдалиб судсиз, сўроқсиз отилади. Ва буларнинг бариси мазлум халқларнинг озодлик курашига ёрдам, деб аталади. Ҳанузгача бу хунрезлик учун бирор кимса ҳисоб бергани йўқ.

Ёқуббек Яквалхўжа халқларимиз бошига тушган мана шу кулфатни қаламга олиб хайрли иш қилган. Тўғри, бу беадад фожианинг бадиий талқини жуда ҳам кўнгилдагидек эмас. Биз романда у ёки бу воқеанинг пировард натижасини кўрамиз, қаҳрамонларнинг қисмати ҳақидаги маълумотлар билан танишамиз, аммо одамларнинг худди ўша аснодаги кечинмаларию ҳолатларини бутун мураккаблиги билан ҳис этмаймиз. Китобхон учун ҳар қандай вазиятдаги инсоний кечинмалар билан танишиш, уни ўз танасида ҳис этиш ва маълум хулосалар чиқариш муҳим. Бениҳоя чигал ва ўта мураккаб қисматларни топа олган қаламкаш адабиётнинг энг оғир ва энг шарафли йўлидан хиёл четлаб ўтгани кишини ачинтиради. Эҳтимол биринчи марта катта кўламдаги йирик асарга қўл ургани учун маҳорат етишмай қолганмикан, деган ўйга ҳам борасан.

1937 йили бир соат ва бир лаҳзада Совет Иттифоқи ва Хитойда уйғурларни баробарига қирғин қилиш бошланди. Бунинг асл сабаби халқлар доҳийси ўртоқ Сталинга бориб тақалашини ҳалигача ҳеч ким билмасди. «Қайтар дунё»да шунга бир ишора бор. Ҳайдар Қашқарга яширин ташкилот тузиш ва Шарқий Туркистоннинг ҳокими бўлмиш Шинг-Си-Сайдан Сталиннинг ўчини олиб бериш учун юборилгани айтиладию, аммо бу тарихий хунрезликнинг моҳияти очилмай қолди. Ахир, сўнгги 50—60 йил мобайнида уйғурларнинг ўз мустақиллиги учун олиб борган кураши фақат Сталиннинг аралашуви ва зўравонлиги билан бостирилган. Ёқуббек Яквалхўжа кўпроқ воқеалар тафсилотига берилиб, бу нарсадан четлаб кетган. Бугунги китобхон тафсилотни эмас кўпроқ таҳлилни ёқтиради, ички кечинмаларни, маълум лаҳзадаги инсон руҳиятини ағдар-тўнтар қилиб юборадиган қоришиқ туйғулар тасвирини кўришни истайди. Шу пайтгача яратилган кўпгина асарларнинг бирданига оҳори тўкилиб қолганининг асл сабаби ҳам шунда.

Инқилоб байроғи остида қилинган ур-сурлар туфайли қанчадан-қанча инсоннинг ҳаёти издан чиқиб кетди; ота-бола бир-бирига ёв, ака-ука ғаним, қариндош-уруғ синфий душман. Шўронинг йўриғига юрмаганлар ҳар хил қўрбошиларнинг орқасидан эргашди, ҳатто Ҳалимбойвачча акаси Жайнак Мирзога: «агар сиз келиб кетмон чопсангиз, мен Мадаминбекка йигит бўлиб кетаман», дея онт ичади. У отаси айтмоқчи «омаднинг навбати ялангоёқларга келганига» кўниккан. Кўниколмаганлар эса қизилларнинг ўқига учади ёки ҳайё-ҳуйт деб ўзга юртларга бош олиб кетади. Мусофирнинг қисмати эса аянч: «...ҳали биров ўз юртидан кетиб рўшнолик кўрган эмас», деганида Яъқубали ҳожи юз карра ҳақ.

Мусофирлик Баҳромбекни ўзидан ёши катта савдогарлар даврасига қўшилиб шароб ичишга, қимор ўйнашга мажбур қилади; юртидан, отасидан айрилган ўспирин қаторга қўшилишнинг таомили шундай бўлса керак, деган хаёлга боради ва борбудидан айрилади. Ўғлини Ғулжага тижорат қилгани юборган Тожинисо бегим тиззаларини ушлаб овоз чиқармай йиғлайди. Онасининг зор қақшашига чидолмаган Баҳромбек қиморга, маишатга бой берган пулларини ўн ҳисса қилиб қайтаришга онт ичади. Мусофирлик ва йўқчилик уни Тибет тоғларида тентирашга мажбур қилади, неча бор ўлимга юзма-юз келади ва пировардида катта сармоядор бўлгани ҳолда худди ўз маъшуқасини излаган каккудек оламнинг чигал йўлларида исмсиз дардларига малҳам, синиқ кўнглига бир тасқин тополмай умрини ўтказади.

Жайнак Мирзонинг яна бир зиёли зурриёдининг қабри Арабистонда мунғайиб қолади. «Отамнинг жисми Қашқарда, онамнинг қабри Ғулжада. Менинг мозорим ундан ҳам мунгли ва ғариб бўлгай. Шундай саргардон ўтадими авлодимиз?» Акбарбекнинг дармонсиз қўллари билан битилган бу саволи ҳамон жавобсиз.

Чархнинг кажрафторлиги туфайли Баҳромбек ҳатто ота-онаси дафн этилган, иккинчи ватанига айланган уйғурлар диёрига ҳам сиғмайди. Уни устамонлик билан хорижга ҳайдаб чиқаришади. Йўқ, хор — зор бўлмайди. Туркияда Баҳромбек афанди аталади, фақатгина туғилиб ўсган юртига етолмай юрак-бағри эзилади, зиёратига келган укаси гарчанд катта олим бўлса-да, руҳан ёт, қалбини иблисларга топшириб улгурган, уларнинг хонадони бошига ададсиз мусибатлар солган қизил террорчиларнинг сиёсатини ёқлайдиган кимсага айланган. Афсуски, асарнинг сўнгги қисмлари ўта жўн, шиорбозлик руҳида ёзилганки, китобхон ҳақли равишда тарихий ҳақиқатлар, бугунги ошкоралик руҳини ҳис этмасликдан андак ранжийди. Бундан ташқари ватанидан айро тушганларни дунёдан бехабар, нодон, қайсидир корчалоннинг итлоғини ялаб кун кечирадиган муртад қиёфасида тасвирлаш аллақачон бозори касодлашган усул.

Романнинг ўзига хос бир жиҳатини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Бу — асарнинг тили. Роман содда, ортиқча жимжимасиз, равон тилда ёзилган. Уни сира қийналмай, айрим қисмларини ҳаяжондан энтикиб ўқийсиз; ёзувчи топган осуда ва самимий руҳ китобхонни ўзига ром этади. Шу билан бирга асарда тарихий ва ижтимоий воқеалар тасвирида романга хос кўлам етишмайди. Масалан: Файзулла Хўжа, Акмал Икромовнинг қораланиши, ҳатто яқин сафдоши Ҳайдар ҳам уларни айблаши баҳонасида ўша даврдаги сиёсий вазият, халқни таҳликага солган қирғин-барот, халқ доно, ишбилармон фарзандларидан нима учун жудо этилгани ҳақида батафсилроқ маълумот берилса фойдадан холи бўлмасди. Мадаминбек баҳонасида миллий озодлик ҳаракатининг моҳиятини, қисман бўлсада, очиб бериш мумкин эди.

Романда тилга олинган жой номлари ва атамаларда айрим ноаниқликлар бор. Жумладан: Қашқардаги жомеъ масжиди олдидаги катта майдон Эйидгоҳ эмас. Ийидгоҳ (Ҳайидгоҳ) деб аталади. Ийидгоҳ майдонида туриб Оппоқхўжа мақбарасининг салобатли гумбазларини томоша қилиш мумкин эмас. Ийидгоҳ шаҳар марказида, Оппоқхўжа мақбараси эса шаҳар чеккасида жойлашган. Мапа (муаллиф негадир **маҳофа** деб олган) соябонли арава эмас, балки икки ёки тўрт одам кўтариб юрадиган соябонли тахтиравон. Катта амалдорлар, ҳукмдорлар одатда шундай мапаларда юришган. Чўкон, муаллиф изоҳлаганидек қиз бола эмас, жувон. Қашқардаги Аҳмадбек ҳожи истиқомат қилган маҳалла Нубоши эмас Новбоши, деб аталади. Ўстанг бўйи маҳалласига Сой бўйи ёки Анҳор бўйи, деб изоҳ берилиши лозим эди. Тъян-шан — Тангритоғининг хитойча таржимаси. Тъян-тангри, шан — тоғ. Уйғур тили истеъмолида бу тоғнинг асл туркийча номи сақланиб қолган. Хонтангри — муаллиф изоҳлаганидек Тангритоғнинг уйғурлар диёридаги чўққиси эмас, унинг энг баланд Ғалаба чўққисининг туркийча номидир...

БУ МУЛОҲАЗАЛАР асарни янада мукаммалроқ кўриш ниятида айтилаётганини изоҳлаб ўтиришнинг ҳожати бўлмаса керак. Ёқуббек Яквалхўжа ўзбек насрига ўзининг гапини ўзига хос тарзда олиб кирди. Шунинг учун «Қайтар дунё»ни Урумчидаги уйғур қаламкаш дўстларимга тавсия этдим. Икки қардош халқ тарихининг бир бўлагини акс эттирган асар уйғур тилида чиқиб қолса ажаб эмас. Бундан буён Ёқуббек Яквалхўжа тарихимизнинг ўқилмаган саҳифалари ҳақида янги асарлар яратади, бизнинг истак ва мулоҳазаларимизни ҳам ҳисобга олади, дея умид қиламан.

Ҳусниддин ШАРИПОВ



## КЎЗГУ

Ўтиб бормоқда ой-йиллар, вафолим йилма-йил
гўзал,
Асилки, зангламас олтин, хазон кўрмас асил
гўзал.
Ҳаёт тўйхонадир гўё, биров куйлар, биров
тинглар,
Қувонмоқ-чун ақл шартмас, қувонтирган ақл
гўзал.
Гаҳи дарё эрур олам, гаҳи дунё тегирмондир,
Фасллар баҳсига боқмай, табиат муттасил
гўзал.
Қуяр ўз ўтида офтоб, қилиб кул зебу пардозин,
Табиий эрса гар чеҳранг, этар ҳатто жаҳл гўзал.
Ҳилолни айласанг эъзоз, йўлинг равшан этар
сўнг ой,
Кўмирдан беғубор олмос туғилгай, бўлса дил
гўзал.
Ҳали бу йўлда кўп гуллар узарсан, қўлни банд
этма,
Керакмас ўзга ҳеч давлат умр ўтгач адл гўзал.
Саҳийсанки, дуо айлаб борурсан еру кўк ҳуснин,
Кўриб ол, мен тутай кўзгу: ўзингсан беҳазил
гўзал.

## ШАҲАР ДАРВОЗАСИ

Жуда ишбилармон бўлиб кетяпмиз,
Режалар тузамиз ғиштдай қаторлаб.
Қичиб ҳам туради тез-тез кафтимиз,
Бизни ўлжалардан ўлжага чорлаб.
Ишга ташланамиз шунда худди шер,
Куракка айланар ҳаттоки қошиқ.
Шаҳар марказида тегмай қолса ер,
Четроқдан жой топиб,
Қоқамиз қозиқ.
Яна қўл тупроқда,
оёқлар лойда,
Тушар ҳаракатга енгилу вазмин.
Бир вақт қарабсизки,
Теп-текис жойда
Муҳташам дарвоза кўтарар қаддин.
Энди
бир сабаб-ла чиқмоқчи бўлса
Ё кирмоқчи бўлса шу атроф халқи,
Тўхтаб,
ҳамёнини титкилаб йўлда,
Тўламоғи шартдир «дарвоза ҳаққи».
Кимдир,
қайсарлик ё камхаржлик қилиб,
Бошқа бир сўқмоқдан ўтса гузарга,
Худди олай деймиз терисин шилиб,
Чиқариб қўямиз тартиббузарга.

Биров келтиролмас энди бизга шак,

Навбатга туришгай касалу соғлар.

Минбарлардан эса бўлади айтсак:

«Шаҳар бедарвоза эмас, ўртоқлар!»

Аҳли ишбилармон яна меҳнатда,

Ўямиз, сўямиз, имзо қўямиз.

Дастурхон ёнида бормиз, албатта,

Аммо тўямизми,

Қачон тўямиз?..

Гарчи чидамингга ўқишар таҳсин.
Қариндош-уруғ ҳам,
арз қила-қила
Охир муте пойлар жарроҳнинг оғзин.

Сел босса,
топгандинг тўсгали илож,

Жон чекдинг покиза хирмон қасдида.

Афсуски,
бўлганда шафқатга муҳтож,

Сен ўзинг қоласан оёқ остида.

Юртингга бўлайин десанг валломат,

Бахтни кўрай десанг эл билан баҳам,

Дўстгинам,

Ўзинг бўл аввал саломат,

Еткиз бу сўзимни бошқаларга ҳам.

## БУ КУНЛАР ЎТАР-КЕТАР...

Ишлар ўлда-жўлда, ҳаёт паришон,
Эл зир югуради халта қўлтиқлаб.
Кимгадир гўшт керак, кимгадир иштон,
Митинглардан эса зарра йўқдир наф.

Наҳот қисир бўлса бизнинг саҳий ер,
Йўқ, йўқ, кўр намойиш этиб турибди.
У ҳолда не учун савдо аҳли дер:
— Зўрға ўзимизга етиб турибди?!

Руҳингни яйратмас жунжиккан бадан,
Олам оғриқ кўзга туюлмас обод.
Туғилиб ўсмоқда пишлоқ емаган,
Икра нелигини билмаган авлод.

Қўли эгриларнинг аммо қадди тик,
Фоҳиша товусдай яшнаб юрибди,
Омборчи қулф уриб, дейди беҳадик:
— Зўрға ўзимизга етиб турибди.

Адолат ҳақида сўзлашга тайёр
Мудир, саркотиблар, раис, нозирлар,
Ходимлар микрофон ўрнатиб қатор,
Муҳташам саҳнада минбар ҳозирлар.

Остонада эса чўпон қилиб баҳс,
Кўмирчи дардини ютиб турибди.
Юмшоқ ўриндиқлар бари банд, хуллас:
«Зўрға ўзимизга етиб турибди».

Умр — йўл, гоҳ равон, гоҳ эса қинғир,
Йўлчи кўп — хушхабар, иш ё арз
билан.
Қуйма девор билан олишар кимдир.

Кимдир — девордаги қора дарз билан.
Сафар қариса-да бўлмассиз хурсанд,
Чунки неваралар кутиб турибди,
Хўрозқандга эса сўрашар ҳужжат:
— Зўрға ўзимизга етиб турибди.

Бари бир йўл излар онг ва дилларга
Мурувват, андиша, инсоф, ҳалоллик.
Ҳаётни кашф этган чандир қўлларга,
Афсус, бесуяк тил қилар далоллик.

Шу сабаб қадрнинг босмас посанги,
Шундан юк нишабга кетиб турибди,
Яшашга кўп нарса етмаса ҳамки,
Жаҳл бўғзимизга етиб турибди.

## «ОҲКИМ, ҲАМДАРД ЙЎҚ...»

Инсон меҳр-оқибат билан тирик. Меҳрибон, ҳалол шифокорлар оз эмас. Афсуски, кейинги пайтда энг шафқатталаб тиббиёт соҳасида ҳам тошбағир кишилар кўпайиб бораётир. Ушбу шеър зора ўшаларни ҳушёр торттирса, инсофга чақирса, деган умид билан ёзилди.

Дўстгинам, бўлмаса жонингда қасдинг,
Касаллик йўлатма бугун танингга.
Оқ халат кийганлар тингламай арзинг,
Пушаймон бўласан туғилганингга.
Буюк мамлакатда эл азиз ғоят,
Фақат шу даргоҳда одам беқадр.
Сен бош оғриғидан қилсанг шикоят,
Қўлингга қарайди улар негадир,
Эшикдан эшикка ўтасан гангиб,
Яранг етилади, дардинг пишади.
Улар-чи,
озгина эритаман деб,
Ичингни иритиб юборишади.
Сезишар албатта
Кўпчиб томиринг,
Оғриғинг ажриқдай ришталашини
Ва лекин на ингроқ, на қонли йиринг,
Бўғолмас уларнинг иштаҳасини.
Оғриғинг олишмас бир укол ила,

# ТЎҚАЙ ДЕВОНИ

Татар халқининг машҳур шоири Абдулла Тўқай ёшлик чоғлариданоқ Шарқ халқлари ҳаёти, адабиётига қизиққан. Қирлай овулида мулла хотинидан ибтидоий сабоқ олган вақтларида шарқий эртаклар, ҳикоятларни севиб тинглаган. Кейинчалик мадрасада араб, форс, турк тилларини ўрганиб, адабиётлари билан танишади. Шарқ шоирларига тақлидан шеърлар ёзиб, машқ қилади. Шу руҳда ёзилган «Юсуф китоби», «Азиза», «Фавоки ҳал жалоси» китобларини ўқийди.

Ёқуб Агишев маълумотларига қараганда, Тўқай 1907 йили Қозонга келиб «Ал-Ислоҳ», «Яшин», «Ялт-юлт» журналларида ишлаган вақтларида ҳам араб, форс, турк адабиётларини, шеъриятларини ўрганишни давом эттирган. Мана шу мутолаа, фикрлашлар натижасида шоир ижодида шарқий услуб ўрин олади. «Японияни мусулмон этажак уламо қаерда?», «Дин ва авом», «Янги кутбаъ», «Гуноҳ», «Ҳожи» каби кичик насрий асарлари адибнинг ислом ва унинг аҳли турмуши тарзини яхши билганлигидан далолат беради. Қозон шаҳрида инқилобдан илгари чоп этилиб келаётган «Шеърлар кутубхонаси» туркумидаги лирик шеълар мажмуасининг саккизинчиси (1919) Тўқайнинг навбатдаги асари — «Тўқай девони»дир.

Абдулла Тўқай дунёдан жуда ёш кетган, лекин сермаҳсул, қамрови кенг ижодкор. Ҳаёт юлдузининг сўниб боришини билган шоир қабр тошига «Эй муқаддас мунгли созим, Ўйнадинг сен нега оз», деб ёзиб қўйишларини илтимос қилган. Мармар тошда юракларни ёндирувчи бу икки мисра шоирнинг ҳаёти боқийлигини билдириб, порлаб турибди. У ўзининг 27 ёшли умри, оз фурсатли ижодида каттагина мерос қолдирган. «Жон озиқлари», «Инжу буртиклари», «Пичан бозори», «Халқ адабиёти», «Кўнгилли саҳифалар», «Шўрали», «Болалар кўнгли», «Шеърлар ва поэмалар», «Ҳикоятлар», «Миёвбика», «Сувонаси», «Турли ҳикоялар» ва кўпгина шеърий тўпламлар, адабий, ижтимоий, сиёсий мақолалар шулар жумласидандир. У жами ўн минг сатр шеър, 50 босма табоқ ҳажмида насрий асарлар яратган. Унинг асарлари араб, турк, инглиз, француз, фин, венгер, булғор ва СССР халқлари тилларига таржима этилган.

### «ТЎҚАЙ ДЕВОНИ»ДАН

Девон турли вақтларда ёзилган шарқий услубдаги шеърлардан иборат. Ундан, жумладан, «Турмуш», «Чин ва ёлғон», «Маслаҳат», «Умид», «Шоир», «Қувонч ва ҳасрат», «Бугун байрам», «Муҳаббат», «Бир расмга», «Алдандим», «Туркчадан», «Услуби қадимий» каби 36 шеър, байт, қитъалар ўрин олган.

### МАСЛАҲАТ

Яқин дўстим, мендан сенга ўгит шул:
Ўзгаларга сирингни сўзламас бўл.
Ичингда ёнса ёлқин, ўзинг бил,
Ўзинг қайғур, ўзинг йиғла, ўзинг кул.
Очиб сирринг, хазинангни юракдан,
Айтмагил ҳеч зарур сўздан бошқасин.

Киборлар ўзларин чунон севарлар,
Бахтсиз йўқсул устидан куларлар.
Улар нопок, улардан сен ҳазар қил,
Улар бор жойда албат бохабар бўл.
Сиринг олгач мазах қилар ўзингни,
«Бу тентак» деб очирмаслар кўзингни.

Қочиб юргин ҳавойи мақтовларидан,
Эҳтиёт бўл, ёнингда чоғ боридан.
Агар босса сени қайғу-аламлар,
Кўнгилдан йиғламай кўчмас ситамлар,
Бориб овлоққаки, унда одам йўқ,
Гўдакдек йиғлабон кўз ёшларинг тўк.

Биров кўрса худди ўшал замонда,
Яна бир маслаҳат айтайин сенга:
Дегилки: «Кўзларим оғриб қолибди,
«Тинмайин ёш оқиб, қийнаб турибди».

### БЎЛМАСА

Ким билур қадрингни, жонон, дардли кўнгил бўлмаса,
Ноз этар кимларга гул, қаршида булбул бўлмаса.
Сўзларим чин, англагил, шоир ғарибнинг кўз тикар,
Ой каби нурли жамолинг, оҳ, бир тўйиб боқмагунча.

Бермади Лайли каби маҳбубга ҳаргиз чун баҳо,
Улки оддий бир қизгина қаршида Мажнун бўлмаса.
Ҳеч тасаввур айламам шундай гўзал Шоҳистага,
Лоақал бир шоири сажда қилиб, қул бўлмаса...

### МУЛЛАНИНГ ЗОРИ

Эй худойим, бандангга аввал ҳурмат бор эди,
Бир вақтлар салламга ҳам қадр, иззат бор эди.
Қайда борсам, халқ кутиб, ҳурмат ила қутлар эди,
Ер юзи жаннат эди, давлат ва неъмат бор эди.
... Тавбаким, катталар ҳам ёшлар йўлига киришиб,
Ўзгаришди, биз учун раҳм ва шафқат йўқ энди.
Оҳ, нечук овлар эдим, балиқчаларни лойқадан,
Эй худойим, қайда шул кун, ул чоғда ҳиммат бор эди.

### ПУШКИНДАН

Бу дунёда киши холимас душмандан,
Эй худойим, сақлагайсан ёру дўстлардан.

### ШЕКСПИРДАН

Кетар роҳат «Келаётир» дегунча,
Яшин ҳам йўқ бўлар «Ана» дегунча...

### УПКА

Аё дўстлар, азиз дўстлар, қандай ажойиб дўстларсиз,
Татарча айтай энди, дўст эмас: олдоқчиларсиз.
Агар омад, бахт келса ҳамишадек тайёрсиз,
Агар нохуш вақт етса, дўстликдан воз кечарсиз.

### ТУРКЧАДАН

Жонон қизарса, яноғида марваридлар кўринур,
Мисоли фирдавс боғидан булбулгўё кўринур.
«Сен уни қандай севарсан, ул аҳир кофир қизи?»
Бул сўзни асло тингламам, қаршимда паризод кўринур.

Қозон «Маориф» нашриёти, 1919 йил.

Нашрга тайёрловчи:
Абул БОЗОРОВ

# АДАБИЙ МЕРОСИМИЗ ФАРАНГ ТИЛИДА

Яқинда Францияда ўзбек ғазаллари тўплами босилиб чиқди. Нашрни жумҳуриятимиз Ёзувчилар уюшмаси қошида фаолият кўрсатаётган таржима ва адабий алоқалар маркази билан яқиндан ҳамкорлик қилаётган Франциядаги «Аксон поэтик» ойномаси муҳарририяти амалга оширди. Тўплам фаранг китобхонини Хўжа Аҳмад Яссавий, Лутфий, Ҳусайний, Алишер Навоий, Бобур, Машраб, Нодира, Огаҳий, Увайсий, Фазлий ва Маҳзунанинг ғазаллари билан таништиради. Мажмуада ўзбек классик шеърияти ҳақида маълумотлар ҳам берилган: «Аксон поэтик» муҳарририятининг бош котиби Жан-Пиер Балп томонидан битилган сўзбоши, Ўзбекистон бадиий таржима ва адабий алоқалар марказининг катта муҳаррири, таржимон Ҳамид Исмоиловнинг «Ғазаллар», Роза Султонованинг «Ғазал мусиқаси» мақолалари киритилган.

«Ушбу тўпламни чоп эттириш орзуси Тошкентда, дўстларим Ҳамид Исмоилов ва Муҳаммад Солиҳнинг ўзбек шоирларининг ғазаллари ҳақидаги баҳсларини тинглаган кезларим туғилган эди, — деб ёзади Ж.-П. Балп сўзбошида. — Кейинчалик мен фақат мутахассисларнинггина эмас, балки талабаларнинг, ҳаттоки мактаб ўқувчиларининг ҳам бир неча асрлар муқаддам битилган ғазалларнинг талқинлари борасида соатлар мобайнида баҳс юритишга иштиёқлари катта эканини англадим. Тўй-тантаналарда, йиғинларда, таниқли санъатчиларнинг ижроларида, ҳаваскор қўшиқчиларнинг мусобақаларида Навоий, Яссавий, Огаҳий каби атоқли шоирларнинг ғазаллари севиб куйланаётганининг гувоҳи бўлдим.

Ғазалларнинг мазмуни ўзбекларнинг кундалик турмушларига сингиб кетган, уларнинг қалбларидан теран жой олган. Айни пайтда ғазаллар мураккаб тузилган бўлиб, мазмунини тўғри тушуниш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди. Ўзбек дўстларимдаги ғазалларни талқин этишга бўлган иштиёқ менга ҳам юқди...

Ғазалларда ўзига хос услубда муҳаббат ва ҳижрон, маъшуқа ва Оллоҳ ҳақида сўз юритилади. Маъшуқанинг чеҳраси одатда тўлин ойга, қомати сарвга қиёс қилинади. Лекин моҳирлик билан тузилган сўзлар маржони, усталик билан ишлатилган сўз ўйини каби воситалар натижасида айни мавзу ҳар бир ғазалда бетакрор ва нафис мазмун касб этади...»

Ҳамюртимиз Ҳамид Исмоиловнинг «Ғазаллар» мақоласида ғазалнинг келиб чиқиши, унинг тузилиши: қофия, радиф, вазн ҳақида сўз юритилади. Ғазаллардаги ҳукмрон мавзу Оллоҳ эканлиги таъкидланади.

Роза Султонова эса ғазал мусиқаси тўғрида сўз юритади. Унинг таъкидлашича, Шарқ шеъриятида ғазал XII асрдан бошлаб яратилиб келинмоқда. Ғазаллар яратилиши биланоқ куйга солинган. Шунинг учун ҳам Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг эслатиб ўтишича, султон Ҳусайн Бойқаронинг саройида амирлар ва вазирлар фақат ғазаллар, маснавийлар битишдагина эмас, балки уларга мос куйлар басталаш бобида ҳам ўзаро мусобақалашганлар.

Ғазалларни ўзбек тилидан фаранг тилига Жан-Пиер Балп ва Ҳамид Исмоилов таржима қилганлар.

Маълумки, ўзбек-француз адабий алоқалари бир неча асрлик тарихга эга. Хусусан, Алишер Навоий ғазаллари ўтган асрнинг ўрталаридаёқ фаранг тилида чоп этилган эди. Заҳматкаш француз шарқшунослари ва таржимонларининг меҳнатлари туфайли Навоий, Ҳусайний, Нодира, Бобурнинг ўлмас асарлари, С. Айний прозаси фаранг тилига бир неча бор таржима қилинган. Лекин улар адабий меросимиз денгизидан бир томчи, холос. Халқаро мулоқотларга янгича ёндашиш тафаккури, иқтисодиёт соҳасида бўлгани каби, маданий фаолият, жумладан адабий алоқалар жабҳаларида ҳам хорижий мамлакатлар билан бевосита мулоқот юритиш имконини беради.

Яна шуни мамнуният билан қайд этиш лозимки, «Аксон поэтик» ойномаси муҳарририяти Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси бадиий таржима ва адабий алоқалар маркази билан ҳамкорликда 1991 йили Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллиги муносабати билан шоирнинг олтмиш икки ғазалини ўз ичига олган мажмуани чоп эттириш юзасидан иш олиб бормоқда. Тўпламга киритилган ғазаллар эски ўзбек ва фаранг тилларида эълон қилинади.

Шоазим МУНАВВАРОВ
ТошДД ўқитувчиси



Асрор МУМИН

## КЎКСИМДАГИ ИЗЛАР

Тоғларим қўйнида судралдим якка,
Ширин васл онлари тушди ёдимга.
Дардимни беармон айтдим фалакка,
Тошлар дош беришди ўтли додимга.

Ва яна шаҳрингдан изладим паноҳ,
Баттар чуқурлашди кўксимда излар.
Атрофга умидсиз ташладим нигоҳ.
Эътиборим тортди чиройли қизлар.
Бехос хуфтон дилим ёришди сағал,
Олисларга олиб кетди орзулар.
Қизлар кўзларимга кўринди гўзал,
Демак, бу дунёда яшаса бўлар.

## ШАРШАРА

Бир кун дўстим гузарда,
Бир қизнинг бир тутам сочига
қилиб ишора,
Деди: — Бу соч эмас — шаршара!
Менга бу ажнабий қиёс,
Кўҳна ўхшатишни эслатди холос.
Дилим нурга тўлиб, кўзларим яшнаб,
Айтар эдим бир замон:
— Бу соч эмас — дарёйи азим!
Мен бу дарёларга қараб
севинганим бор,
Мен бу дарёлар оғушида
чўмилганим бор...
Наҳот ўша дарёларни
кўрмасман такрор?
Қаршимда шовиллар шаршара,
Менинг эса қалбим минг пора.
Яна дўстим гузарда,
Ул қизнинг бир тутам сочига
қилиб ишора,
Деди: — Бу соч эмас — шаршара!
Дўстим, гапингиз рост,
Бу соч эмас, шаршара холос!

## ТАДРИЖ

Жудоликда
Тоҳир ўлди,
Фарҳод ўлди...
Мен қолдим омон.
Сўнг икки жаҳон аро
бўлдим саргардон.



Сулаймон РАҲМОН

## ЧИНҚИРИҚ

Бир фарёд эшитдим ,не тонг, бу саҳар,
уйғониб қарасам, бир заҳру заҳар
ичра талвасада чинқирар шаҳар,
тўлғона-тўлғона гуллар чинқирар.
Осмонга қарадим — қўнғир тош бўлиб,
кўзида юлдузлар жиққа ёш бўлиб,
осмон ҳам чинқирар, қайғудош бўлиб
бор тегра, бор соғу сўллар чинқирар.
Йўл юрдим, эзди бу дунёнинг доғи,
юм-юм ёш оқизди кўзим булоғи,
оламни тинглади кўнглим қулоғи:
занжирлар шилдираб, ғуллар чинқирар.
Юрт кездим, озурда қалдирар тоғлар,
пайкаллар уҳ тортар, инграна боғлар,
булбуллар иҳранар, сиқтанар зоғлар,
саҳролар увиллаб, чўллар чинқирар.
От йиғлар, хокисор тевалар додлар,
борудлар дастидан мевалар додлар,
тамаддун хўрлаган шевалар додлар,
қуруқлар оҳ уриб, хўллар чинқирар.
Оҳ урар оқидан айро оққувлар,
оғулар ичида қолган оҳулар,
оҳуни ўлдирган оғули сувлар
Ҳар ночор чинқириб сўрайди мадад,
қайда урф чинқирар, қайдадир одат,
бу доду фарёдга борми ҳеч адад,
мададга зор бўлиб тиллар чинқирар.
Бу қандай йўлдирки, ёмонлар юрар,
гоҳ омон, гоҳи беомонлар юрар,
имонлар ва яна гумонлар юрар,
бу йўлсиз йўлларда йўллар чинқирар.
Сулаймон, дунёга нима деб келдинг,
ҳар неки чинқирди — сен нима қилдинг,
қай хаста кўнгилнинг малҳами бўлдинг?
Чинқиргил, ҳайф ўтган йиллар чинқирар!..
ва сувсиз денгизу кўллар чинқирар.
Бу не ҳол, жаҳонни босмиш бир ваҳм,
кимдир бу ваҳмни ейган бефаҳм,
инсон ўз-ўзига бунча бераҳм,
донолар ёҳу дер, гўллар чинқирар.
Ҳайҳотки, пулдору қорни тўқлар жим,
нодону калтабин — кўзи лўқлар жим,
ўзидан ўзга ҳеч дарди йўқлар жим,
эл-юртга вафоси мўллар чинқирар.
Чинқирмас эл ошин ошаб ётганлар,
остига эл лошин тўшаб ётганлар,
ватанда ватансиз яшаб ётганлар,
уларга сарф бўлган пуллар чинқирар.
Бир ўғли пахтаю ёвонга фидо,
бир ўғли бир қошиқ ёвғонга фидо,
бир ўғли Афғонда афғонга фидо,
афғони фалакда туллар чинқирар.

Бу қандай дарёдир, ичиб бўлмайди,

бу қандай савдодир, ечиб бўлмайди,

бу қандай дунёдир, кечиб бўлмайди,

мададга чўзилган қўллар чинқирар.

Гоҳ ўнгга, гоҳ сўлга оғар чинқириқ,
чирмашиб, илондай бўғар чинқириқ,
руҳларда илонлар туғар чинқириқ,
чинқириқ дастидан диллар чинқирар.

•

Олий саҳналарга чиқмас безаниб,
ойнаи жаҳондан боқмас ясаниб,
Дадахон Ҳасануф, ҳофиз Ҳасануф.
У куйлар, ўйламанг, лофни чақирар,
инсофни чақирар, инсоф, қайдасан?
Ҳофизлар бор ахир, бир хол деб йиғлар,
у эса, қайдасан, марол, деб йиғлар,
халқим деб, денгизим Орол, деб йиғлар,
ўйламанг, у қалам қошни чақирар,
у кўзни тарк этган ёшни чақирар.
У куйлар жисму жон ичинда ёниб,
у куйлар бу майдон ичинда ёниб,
у куйлар оломон ичинда ёниб,
у ёниб майдонга ҳақни чақирар,
ҳануз халқ бўлмаган халқни чақирар.
Тингла, эй, ошиқиб йўртаётган халқ,
бир юртни минг ёққа тортаётган халқ,
парокандалиги ортаётган халқ,
у сени чақирар, балки қайтасан?
Бирликка чақирар, бирлик, қайдасан?
Дадахон Ҳасануф куйлар чинқириб,
қон бўлиб, қонларинг ичига кириб,
доду фарёд бўлиб, бўғзингда туриб,
виждонни чақирар, виждон, қайдасан,
имонни чақирар, имон, қайдасан?
Деворга ёлвориб, тошга ёлвориб,
Бобурдек, то оёқ етгунча бориб,
мағриб наволари лашкарин ёриб,
барқ ичра барқ уриб барқни чақирар,
Шарқ ичра Шарқ бўлиб Шарқни чақирар.
Дўст қўлдан ёт қўлга ўтганда ватан,
баднафснинг қорнига кетганда ватан
ва халқнинг кўнглидан йитганда ватан,
ватанни чақирар, ватан, қайдасан,
ватан, сен ватанга қачон қайтасан?
Дадахон Ҳасануф, ҳофиз Ҳасануф
олий саҳналарга чиқмас безаниб,
ойнаи жаҳондан боқмас ясаниб.
У куйлар, ўйламанг, ёрни чақирар,
диёрни чақирар, диёр, қайдасан?

## БУ ҚАВМ

Бир-бирин итлардай талар бу қавм,
бир-бирин эшшакдай тишлаб-тепади,
бир-бирин кўзига тупроқ сепади...
Аммо ёв товонин ялар бу қавм.
Ёв учун малайлар туғар бу қавм,
бирини шоҳ кўрса — бири куяди,
бир-бирин остига сувлар қуяди,
бир-бирин мушукдай бўғар бу қавм.
Бу қавм қўримас тупроғу боғин,
бойлиги, борлиғи таланиб ётар,
у эса душманга эланиб ётар,
душманга едириб кўзининг ёғин.
Оловни ёв ёқар — қайнар бу қавм,
каломни ёв айтар — сўйлар бу қавм,
қўшиқни ёв битар — куйлар бу қавм,
чолғуни ёв чалар — ўйнар бу қавм.
Бу қавм бир-бирин этагин тортар,
ҳар бири дер ўзин: «Мен озод қушман!»
душманин дўст билар, дўстини — душман,
худо урган қавм бу, пайғамбар туртар...
Йиқилар. Наҳотки ўнгланмас абад?
Наҳот Қул туққан-у, Ақл туғмаган?
«Ўзлигинг топ!» деган нақл туғмаган?
Наҳот Қаҳр туққан? Туғмаган Шафқат?..
Ёвнинг ҳар гапига кўнар бу қавм,
бир-бирин қонига қонар бу қавм,
ўзига ўт қўйиб, ёнар бу қавм,
оҳиста-оҳиста сўнар бу қавм...

